



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
9 октябрь
ШАНБА
№ 80
(12.300)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ШОЛИЧИЛИК



ТИФИЗ МЕҲНАТ НАФАСИ

— Бугун қуёш қиздириб юборди, — деди "Сирғали" фермер хўжалиги раҳбари ўринбосари Файзулла Оқбоев комбайн гулдурас солиб шоли ўраётган пайкал четида тўхтаб. У шоли бошоқларидан бир дастасини қўлига олди-да, кафтида сиқиб кўрди. Донлар бўлиқлиги кўнглини тўлдирди чамаси, қўшиб қўйди. — Ҳозир деҳқонга мана шундай иссиқ кунлар асқотади. Пахтакор ҳам, шоликор сабзавоткор ҳам йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, етиштирган ҳосилини ёғинсочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олсам дейди.

"Сирғали" — Куйичирчиқ туманининг кўптармоқли йирик фермер хўжаликларида бири. Чорвачилик, паррандачилик, шоли етиштириш билан шуғулланади. — Хўжалигимизда 130 киши меҳнат қилади, — деди дастлабки суҳбат чоғида хўжалик раҳбари Мендикера Сержонов. — Биринчи ярим йилда жами 140 миллион сўм даромад жамғардик. Мўмай даромад ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, техникаларни бутлаш имкониятларини кенгайтираётми.

данда шоли етиштирди. Шу кунларда далаларда ҳосилни йиғиб олиш қизгин давом этаётти. Шудринг кўтариллиши билан комбайнчилар ўримни жадал бошлашди. Хўжалик Куйичирчиқ туман машина-трактор парки билан шартнома тузиб, ҳосилни йиғиб олишга 14 та комбайн жалб қилди. Механизаторлар кузги илик-иссиқ кунларда оғир меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ ўриб бериш ҳаракатида.

Нуржон Жиянбеков бошқараётган бўлим шолিপоясида учта комбайн ишлаётти. Ана, бир комбайн

дала чеккасида тўхтади. Шунинг кўтиб турган тракторчи Серикбой Бексанов прицепни тўғрилади. Комбайнчи бункердаги шолини унга ағдарди. Дам ўтмай "МТЗ-80" гулдурас солиб, донни марказий қабул пунктига олиб кетди.

— Ҳар кунни уч гектаргача майдондаги ҳосилни ўриб-йиғиб олаётман, — деди комбайнчи Урозали Айнакулов. — Касбдошларим Маллик Қозоқбоев билан Абдужалил Мирзаев ҳам бундай келишмаяпти. Бўлим шоликорлари 190 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришди. Тўлқин Содиқов, Шавкат Урозов, Серик Умбетов, Алдиёр Баратов ҳозиргача шартнома режасини тўлиқ бажариб қўйишди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: бўлим бошқарувчиси Нуржон Жиянбеков (унга) билан комбайнчи Олим Худойназаров. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофизат қилиш, ўсиб келаётган навқирон авлоднинг турли хасталиклардан асраш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида кўплаб оғир хасталиклар ва ногиронлиkning олди олинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлаётти. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси томонидан ҳам кўплаб хайри ишлар амалга ошириляпти.

— Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга "Соғлом она — соғлом бола" дастурининг мазмун-моҳиятини тушунириш, туғуруқ ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш бора-

сида жамғармаимиз томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди жамғарманинг оналик ва болаликни муҳофизат қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — Жумладан, лаб танглайда ва оёғида туғма нуқсонли бор уч юзга яқин бола юртимиз шифоналарида, ўндан зиёд ўғил-қиз Германиянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди. Шунингдек, юрағида туғма нуқсонли бўлган болаларни соғломлаштириш борасида Жанубий Корея билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилда корейлик мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, 50 нафардан зиёд болани тиббий кўриқдан ўтказди. Хасталик аниқланган ўнлаб болаларнинг юртимиз ва Жанубий Корея шифоналарида жарроҳлик йўли билан саломатлиги тикланди.

Бугунги кунда жамғарманинг вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 тиббий-ижтимоий маркази фаолият юритмоқда. Улар томонидан чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар шифокор ва мутахассислар ёрдамида сифатли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Мутахассислар маҳалла ва қишлоқлардаги оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит, оила аъзоларининг, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсимларнинг соғлигини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Утган вақт мобайнида Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, Республика репродуктив саломатлик маркази, Республика скрининг маркази билан ҳамкорликда аҳоли орасида "Камқонлик ва унинг олдини олиш", "Гиеҳ-вандлик, ОИТС ва унинг асоратлари", "Оила ва никоҳ" мавзуларида давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари уюштирилди. Бу каби тадбирларда репродуктив саломатликка таъсир қилувчи омишлар, юқумли касалликларнинг оғир асоратлари, ўсимлар, фертиль ёшидаги аёллар ва оила қуриш арасидаги ёшларнинг ўз вақтида тиббий

кўриқдан ўтиши, соғлом фарзандлар дунёга келиши самаралари хусусида атрофича маълумотлар бериб берилмоқда.

Бугун тиббиёт мутахассислари инсон ҳаёти учун зарур витаминлар, хусусан, фоли кислотаси етишмовчилиги туфайли ҳомилада туғма нуқсон бўлиши мумкинлигини таъкидламоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 22 июлда қабул қилинган "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим омили бўлмоқда. Мазкур қарорда қишлоқ жойларида тиббий-профилактика хизмати самарадорлигини ошириш, булажақ оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида таркибидо фоли кислотаси мавжуд умумий қувватлантурувчи поливитаминлар етказиб бериш вазифаси белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА БАРКАМОЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги Марказий офицерлар ўйда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

"Ҳуқуқий этуқлик баркамолликка элтади" шiori остида ўтган тадбирда ёшларга "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, адлия идоралари томонидан унинг ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар, яқинда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти ва ижроси юзасидан тушунчалар берилди. Учрашувда мутахассислар то-

монидан халқроқ умумэтироф этилган норма ва қоидаларни миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш, 2008-2010 йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислохотлар, ёш ҳуқуқшуносларнинг мустақил фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини юксалтириш, ўз касбияга бўлган садоқатини кучайтириш каби масалалар интерфаол усули асосида тушунирилди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ИФТИХОР



ҲОВАН ТҮЙЛАРИ ҚУВОНЧИ

Ўтган саккиз ойда вилоятимиз қишлоқларида 7830,3 квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида амалга оширилган ишлар натижасида бугун юзлаб оилалар кўрам замонавий уйларга эга бўлдилар.

ПАХТА — 2010

Ҳар йили пешқадамлар сафида бўлишни одат қилган Чиноз тумани пахтакорлари шартнома режасини вилоятда яна биринчи бўлиб бажаришларида шу тажриба кўл келди.

Бугун чинозликларнинг қувончи чексиз. Мавсум бошидан йиғим-теримни оқилона ташкил этиб, ушқоқлик билан давом эттирган пахтакорлар контрактация шартномасини қисқа муддатда адо этдилар.



Бу йил 179 фермер 7422 гектар майдонда пахта етиштирди. Чигит экиш, ғузани озиклантириш, суғориш, культивация қилиш, чилпиш каби ишлар ўз вақтида ва оби-тобида бажарилди. Бунинг учун керакли техникалар олдиндан шайлаб қўйилганлиги ўз самарасини берди. Учта биолоботориянинг иши яхши йўлга қўйилди. Шуларнинг ҳисобига ғуза дуркун ривожланди. Бу эса, деҳқонларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Бу ҳали бошланғичи эди.

— Деҳқончилик об-ҳаво, табиат инжиқликлари билан ҳисоблашадиган касб, — дейди туман ҳокимининг иқтисодийёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Равадан Норбутова. — Бу йил чигит экишдан тортиб, йиғим-терим мавсумининг якунига қадар она табиат саҳийлик кўрсатди. Шунинг учун аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, бу мавсумда шартнома мажбуриятлари энг қисқа муддат — 24 иш кунини бажарилди. Шуниси аҳамиятлики, 19 минг

ЧИНОЗ ТАЖРИБАСИ: ҒАЙРАТ ВА САМАРА



658 тонна пахтанинг 85 фоизи биринчи навга қабул қилинди. 2429,7 тонна уруғлик пахта тайёрлаш режаси ҳам 100 фоиз уддаланди. Демак, фермер хўжаликлари меҳнатга яраша баракали даромад ҳам кўради. Беистисно, барча фермер хўжаликлари туманнинг умумий пахта хирмонига муносиб улш қўшди. Кўплаб йирик ва ҳосилдорликда

пешқадам фермерларнинг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлди. Жумладан, Мўқимий номи фермер хўжалиги 139,6 гектар майдондан 434,4 тонна ўрнига 446,6 тонна сифатли хом ашё йиғиштириб олди. Сайфулла Ашуров раҳбарлик қилаётган "Яхшилик" фермер хўжалиги аъзолари 55 гектар майдонда баракали меҳнат қилиб,

нинг эвазига керакли барча техникаларни сотиб олди. Энди қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех очишни мўлжаллаётми. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилиб, туманимиз аҳолисининг дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб берилди.

Туман ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича бош мута-

жаларини ортиғи билан бажаришга ундаган бўлса не ажаб!

— Фермер қачон бой бўлади, — деди "Болтабой ота" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Қаршибоев. — Қачонки, ниятини ҳолис, феълини кенг, мақсадини аниқ қилса. Хўжалигимиз ҳар йили ҳам пахта, ҳам галла бўйича шартнома режаларини ортиғи билан бажаришга одатланган. Шундай бўлса, ниятни яхши қилишни унутмаймиз. Бу йил 50 гектар майдонда пахта етиштирдик. Аммо, меҳнатни қаттиқ қилдик. Натижада, давлатга 140 тонна ўрнига 175 тонна пахта топширдик.

Фермер хўжалигининг техника базаси анча мустаҳкам. Иккита "МТЗ-80" чоппик, битта транспорт трактори, учта "Енисей" комбайни, битта хайдоқ трактори бор. Ўзидан ортса, қўшни фермерларга ёрдамга жўнатади.

Фермер 10 гектар ерга яхши ниятлар билан 90 минг туп терак эккан. Яна бир йил ўтган, тераклар аъзоларнинг янги уй-жойлари учун ишлатилди.

Хуллас, Чиноз туманида пахтачилик соҳасида ўзига хос тажриба яратилган. Унинг биринчи омили, ер ҳақиқий ағасини топанлиғи бўлса, иккинчи омили аҳолида яхши яшаш учун иштиқнинг кучлилигидир. Қолаверса, ҳар бир фермер етарли даражада техникага эга бўлаётгани ҳам туманининг ҳар йили қарвонбошлик қилишига ишончли замин яратмоқда.

Хуришда ТУРСУНБОВАЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТЛАРДА: «Алишер Навоий» фермер хўжалиги раҳбари Мирзақодир Ақромов (чапдан учинчи) теримчилар билан; тумандаги «Шерзоқ Турақул» фермер хўжалиги раҳбари Зиннат Тураева ҳам хирмонга муносиб ҳисса қўшди. Даврон АҲМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.



**БОШ ВАЗИР ПРЕЗИДЕНТГА
ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ**

Зимбабве бош вазири Морган Тсвангираи мамлакат президенти Роберт Мугабе ташаббус қилган вазирилари ва бошқа амалдорларни тан олишдан бош тортиди.

CNN агентлиги шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, ҳукумат бошчилиги президентнинг бу ташаббусига конституцияга хилоф ва ноқонуний эканлигини таъкидлаган. Бош вазири инкор этаётган мансабдорлар - ўн нафар вазири, мамлакат бош прокурори, полиция бошлиғи, марказий банк раҳбари, олий дипломат ва беш судья, Тсвангираи таъкидлаганича, у ўтиш ҳукумати мамлакат аҳолисини манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга кўп уринди, аммо, ҳеч нарсага эриша олмади, энди бугунга чидаб бўлмади.

**ҚҮРИҚЧИЛАРНИНГ
ТОЛИБОНЛАР
БИЛАН ТИЛИ БИР**

АҚШ сенаторлари Афғонистондаги операцияларда иштирок этаётган қўриқлаш компанияларининг толибонлар билан алоқадор эканлигини фож эътибор.

Америка ҳукумати хусусий қўриқлаш компанияларига тўлаган маблағлар айрим ҳолларда "Толибон" ҳаракати билан алоқадор маҳаллий қуролли тузилмаларнинг етакчиларига ўтказилган. Reuters агентлигининг маълум қилишича, АҚШ Сенатининг қўриқлаш компаниялари фаолиятини текширувчи махсус комиссия шундай хулосага келган. Қўриқлаш компаниялари, шунингдек, Эрон ҳукумати ҳамда ўта хавфли шахслар ва тўларлар билан ҳамкорлик қилгани ҳақида ABC News агентлиги маълумот берди.

Афғонистондаги хусусий қўриқлаш компаниялари турли объектлар - ҳарбий базалардан тортиб, элчихона ва шифоналарнинг хавфсизлиги учун жавоб беради. Ҳақиқатда эса, Афғонистон президенти Хамид Карзай сал олдинроқ бу компанияларнинг мамлакат ҳудудидagi фаолиятини тўхтатишни ёқлаб гапирган эди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Нукус кўчаси, 23-а уйда жойлашган жарима майдончасида сақланган кўриқлаш компаниялари савдосига қўйилмоқда: 1. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат, асосан 2007 йилда и/ч, дав. бел. 10 BG 461 бўлган "Газ-3302-14" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 22 000 000 сўм. 2. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. 10 BF 625 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 16 000 000 сўм. 3. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат, асосан 2007 йилда и/ч, дав. бел. 10 BF 624 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 12 000 000 сўм. 4. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ҳ.Р.С. МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш оморхонасида сақланган 1. 09.11.2009 йилдаги № 18213-14-сон ижро ҳужжат, асосан 2001 йилда и/ч, дав. бел. 30 W 1996 бўлган "Мерседес Бенц Е200 К" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи - 8 937 000 сўм. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан Юнусобод тумани ИИБИХХБ жарима майдончасида сақланган 13.07.2009 йилдаги № 12333-К сон ижро ҳужжат, асосан 1991 йилда и/ч, дав. бел. 30 J 3009 бўлган "ДЭУ ПРИНЦ" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 8 000 000 сўм.

330301" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 111 646 сўм. 4. 02.09.2010 йилдаги № 9005-сон ижро ҳужжат, асосан и/ч, номалум дав. бел. В 613 МАМ бўлган "Ваз-2109" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 903 372 сўм. 5. 30.08.2010 йилдаги № 8881-сон ижро ҳужжат, асосан 1987 йилда и/ч, дав. бел. 11 К 76-51 бўлган "Уаз-3962" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 1 557 764 сўм. 6. Аукцион савдосига Янгийул шаҳар СИБ томонидан 09.02.2010 йилдаги № 1-509-сон ижро варақасига асосан "Уткир" ХИЧҒА қарашли жарима майдончасида сақланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, дав. бел. 11Х 0608 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 8 830 000 сўм. Янгийул шаҳар СИБ томонидан 08.07.2010 йилдаги № 4278-4288/1-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Янгийул шаҳри, О. Қўчқоров кўчаси, МТП ҳудудига жойлашган МЧЖ "Янгийул Автотурори-Плюс" корхонасига тегишли қурилиш майдони 964,55 кв.м бўлган автотараж бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бош. нархи - 56 099 881 сўм.

Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 18.06.2009 йилдаги № 4349/38/1-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўка тумани "Табасум" МЧЖ дўкон ҳовлисида сақланган Т-28Х4МС1 русумли трактор ва 2-ПТС4 793 русумли трактор тирмақаси қўйилмоқда, бош. нархи - 8 920 000 сўм. 7. Аукцион савдосига Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 15.07.2010 йилдаги № 1-7585/10-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри 50 йиллиги кўчасида жойлашган Г. Р. Худайберганаовнага тегишли бўлган майдони 21,0 кв.мдан иборат савдо дўкони биноси, бош. нархи - 16 000 000 сўм. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 23.12.2009 йилдаги № 1-5437/09-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 2-Йил Махлула кўчасида жойлашган Ш. И. Ибрагимовнага тегишли бўлган қурилиш майдони 72,01 кв.м ва фойдалануви майдони 38,15 кв.мдан иборат 41-тураржой ҳовли қўйилмоқда, бош. нархи - 15 000 000 сўм.

Аукцион савдосига 2010 йилнинг 11 ноябрь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 11 ноябрдаги аукцион савдосига сотилган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 25 ноябрь кунин бўлиб ўтади. 2010 йил 28 октябр кунин соат 11:00 да бўлиб ўтган такрорий очик аукцион савдолари қўйилмоқда: 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан Ҳ.Р.С. МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш оморхонасида сақланган қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 29.04.2009 йилдаги № 7417-сон ижро ҳужжат, асосан 2007 йилда и/ч, дав. бел. 30 X 2064, бўлган "Нексия-Д" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 14 566 712 сўм. 2. 01.02.2010 йилдаги № 2311-12-сон ижро ҳужжат, асосан 2006 йилда и/ч, дав. бел. 30 А 7517 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 8 744 400 сўм. 3. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат, асосан 2006 йилда и/ч, дав. бел. 30 Q 7375, бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 7 368 384 сўм. 4. 21.01.2008 йилдаги № 2086-сон ижро ҳужжат, асосан 1996 йилда и/ч, дав. бел. 10 Y 3939 бўлган "Мерседес Бенц 200" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 24 300 000 сўм. 5. 26.05.2009 йилдаги № 9163-сон ижро ҳужжат, асо-

**ПЕНСИЯ
ИСЛОҲОТИГА
ЎЗГАРИШ
КИРИТИЛАДИ**

Франция президенти Николя Саркози тайёргарлик қўрилаган пенсия ислоҳотига ўзгаришлар киритиш ниятига эълон қилди. Agence France-Pressнинг хабарига кўра, пенсияга чиқиш эҳтини узайтиришни назарда тутиб бу ислохот кенг жамоатчиликнинг қаҳр-ғазабига учраган эди. Меҳнат вазири Эрик Верт ҳам президент кўнун лойиҳасини "юмшатиш" эълонини тасдиқлади. Унинг гапига қараганда, тузатишларда кўп болали ва имконияти чекланган болалари бор оналар учун пенсияга чиқиш қойдаларида биринчи даражасида бериш назарда тутилган.

Пенсияга чиқиш эҳтини 60 дан 62 га кўтариш белгиланган янги лойиҳа Франция Миллий мажлиси томонидан мақкулланди. Хоизир у Сенат томонидан кўриб чиқилапти. Шу билан бир вақтда мамлакатда қасба-ушшоқлари уюштирилган иш ташлашари бўлиб турибди. Бироқ, Саркози ва унинг маъмурияти чекимчи эмас. Чунки ислохот бюджетдаги камомадни камайтиради, 2018 йилга бориб, 70 миллиард евро ни тежаш имконини беради.

**НИГОҲ
МИЛЛИЙ БАНКМИ ЁКИ
ОИЛА ҒАЛАДОНИ?**

Миллий банк - Тожикистон Республикасининг бош банки ҳисобланади. Бу - аслида. Ҳўш, амалдачи? Агар унинг бугунги фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқилса, бўлса, у бироз бошқачароқ аталishi керак. Масалан, "Rahmon & Young" деб.

Чиройлими? Албатта! Қолаверса, қилаётган иш ҳам айнан шу номга мос. Бевоқиф Раҳмоновлар оилавий ғаладонинг вазирасини ўтаётган бу молия мажмусаси ўзини мунофиқларча, бутун тожик халқи хазинаси манфаатларининг ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқда. Тожикистон Республикасининг Миллий банки турисидаги Кошунақ мувофиқ, банк мамлакат Олий Мажлисига ҳисоб берувчи институт. Аммо, Миллий банк раисини ва унинг уринбосарларини тайинлаш ҳамда лавозимлардан олиш масалалари Олий Мажлисда муҳомаа ёки музокара қилинмайди. Масулиятдан бу даражада қочиб бошқа ҳеч қаерда бўлмаса керак. Парламентчилар ҳокимлик, суд, прокуратура каби органлар сингари шундоқ ҳам номигагина махвуд. Имомали Раҳмоннинг сўзи - кўнун ва ҳеч бир депутат президентнинг кадрларни тайинлашга оид қарорларни ўқиб эшиттирилмаётганда оғиз очишга жазм этолмайди.

Мамлакатнинг бош молиявий институти устидан кадрлар бўйича назоратни бутунлай ўз қўлига олган президент Раҳмон банкка, мулк шаклидан қатъи назар, мамлакат ҳудудига барча кредит-молия тузилмаларини тўла назорат қилиш ҳуқуқини бериб қўйган. Банк ёки бошқа кредит фаолиятини лицензиялаш, қайта молиялаштириш ставкаларини белгилаш, ҳамма молиявий ташкилот ва муассасаларнинг оммавий текшириш, кредит линиялари лимити ва ставка сисмати, пул массаси ҳамда миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан курсини белгилаш каби ҳамма вазибалар республика

Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 02.06.2010 йилдаги 10-1016/9323-сон ижро ҳужжатига асосан МЧЖ "КИМОРЕАКТИВ" корхонасига тегишли 9 та бино ва иншоотлардан иборат, умумий майдони 11047 кв.м бўлган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси, 22-уйда жойлашган ишлаб чиқариш базаси қўйилмоқда, бош. нархи - 750 000 000 сўм. 8. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан 02.06.2010 йилдаги 10-1016/9323-сон ижро ҳужжатига асосан майдони 570,7 кв.м бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон Қ.Ф.И, Алмота кўчаси, 43-уйда жойлашган бино қўйилмоқда, бош. нархи - 100 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан Тошкент тумани МЧЖ "Сайдулар Абдулаев" оморхонасида сақланган қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 30.08.2010 йилдаги № 8882-сон ижро ҳужжат, асосан 1976 йилда и/ч, дав. бел. 30 D 46-18 бўлган "Уаз-452" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 226 980 сўм. 2. 02.09.2010 йилдаги № 9006-сон ижро ҳужжат, асосан 1979 йилда и/ч, дав. бел. 10 T 11-32 бўлган "Газ-24" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 1 120 945 сўм. 3. 02.09.2010 йилдаги № 9004-сон ижро ҳужжат, асосан 1989 йилда и/ч, дав. бел. 11 M 42-43 бўлган "Уаз-

1999 йилда и/ч, дав. бел. 10 X 2330 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 6 194 707 сўм. 6. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат, асосан 1999 йилда и/ч, дав. бел. 30 R 5592 бўлган "Митсубиси" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 39 879 998 сўм. 7. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат, асосан 1996 йилда и/ч, дав. бел. M 7477 бўлган "Мерседес Бенц С 500" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 32 329 807 сўм. 8. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. M 2850 бўлган "Эника" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 34 297 873 сўм. 9. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. M 8759 бўлган "Маз 3544008-060-030" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 75 788 827 сўм. 10. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. 10 G665 бўлган "Полприен" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 22 838 805 сўм. 11. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. M 8367 бўлган "Маз-3544008-060-030" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 75 880 418 сўм. 12. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. 10G 666 бўлган "Полуриен" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 22 838 805 сўм. 13. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2006 йилда и/ч, дав. бел. M 3101 бўлган "HOVERGUV" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 31 403 407 сўм. 14. 24.11.2008 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч, дав. бел. M 9037 бўлган "Мидибус SAZNP" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 42 578 450 сўм. 15. 02.02.2009 йилдаги № 2809-сон ижро ҳужжат, асосан 1986 йилда и/ч, дав. бел. 30 S 1940 бўлган "Хонда Цивик" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 5 344 070 сўм. 16. 19.05.2008 йилдаги № 10116-сон ижро ҳужжат, асосан 1986 йилда и/ч, дав. бел. 10G 666 бўлган "Полуриен" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 1 350 000 сўм. 17. 01.02.2010 йилдаги № 2307-сон ижро ҳужжат, асосан 1976 йилда и/ч, дав. бел. 11 T 1686 бўлган "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 3 893 007 сўм. 18. 05.03.2010 йилдаги № 4680-сон ижро ҳужжат, асосан 1996 йилда и/ч, дав. бел. 30 А 7293 бўлган "Daimler Chrysler" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 31 500 000 сўм. 19. 02.02.2009 йилдаги № 2808-сон ижро ҳужжат, асосан 1998 йилда и/ч, дав. бел. 20 J 6488, бўлган "Лиганза" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 13 522 602 сўм. 20. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат, асосан 1985 йилда и/ч, дав. бел. 11 Z 3081 бўлган "БМВ-318" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 6 316 849 сўм. 21. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат, асосан 1992 йилда и/ч, дав. бел. X829SPM бўлган "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 12 447 968 сўм. 22. 23.04.2010 йилдаги № 12069-сон ижро ҳужжат, асосан 1989 йилда и/ч, дав. бел. 11 Z 8706, бўлган "Ваз-2108" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 2 634 300 сўм. 23. 06.07.2009 йилдаги № 11906-сон ижро ҳужжат, асосан 1988 йилда и/ч, дав. бел. 30 T 9611 бўлган "Ауди А8" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 27 000 000 сўм. 24. 27.11.2008 йилдаги № 21698-сон ижро ҳужжат, асосан и/ч, дав. бел. номалум бўлган "Опел Вектра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 6 300 000 сўм.

**ЗАВОД ЗАҲРИНИ
ДУНАЙГА СОЧДИ**

АФР агентлиги Венгриянинг гарбидга заводда юз берган авария оқибатида захарли кўкун узунлиги жиҳатидан Европада иккинчи ҳисобланувчи Дунай дарёсига қуйилгани ҳақида хабар берди. BBC News кўнун кўкуннинг тарқалиши Венгрия тарихидаги энг катта экологик фалокат эканлигини таъкидлади. Мамлакат полицияси авария муносабати билан жиноий иш очди. Аммо, фалокатнинг асл сабаби ҳанузгача маълум қилинмади.

Аниқланишича, резервуар тешилиб, миллион куб метр атрофидagi захарли кўкун очик ҳавога қуйилди. Ундан алюминий эритишда фойдаланилди. Бу модда атроф-муҳит ва инсон танаси учун жуда хавфли. Маълумотларга қараганда, резервуарлардан оқиб чиққан захарли кўкун завод атрофидagi бир неча уй ва кўчаларни босиб кетди. Бундан ташқари, Дунай дарёсининг суви Қора денгизга қуйилиши ҳамда Хорватия, Сербия, Болгария, Руминия, Молдавия ва Украина орқали оқиб ўтиши эътиборга олинса, бу авариянинг қандай дахшати оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент алоқа касб-хунар коллежи томонидан 2009 йилда Вахобов Иzzатходжа Сунатходжаевич номига берилган (рўйхат рақами № 26184) К № 1431918 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчаси мулк биржаси" ЕАЖ бошқариш ҳақида охири баҳоси савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақридан Қирғиз тумани СИБ томонидан "Арнин-савдо" УҚА сақланган қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "ГАЗ-24" русумли, д/р 10W6518 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.08.2009 й., № 10209/7. Бошлангич баҳоси - 565 114 сўм. 2. "Москвич-412" русумли, д/р 11Y2850 бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.09.2009 й., № 10357/7. Бошлангич баҳоси - 580 202,05 сўм. 3. "BMW-525" русумли, д/р А147ХЕМ бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.07.2009 й., № 10582/7. Бошлангич баҳоси - 8 809 928,55 сўм. 4. "УАЗ-396201" русумли, д/р 11O5451 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.10.2009 й., № 11244/7. Бошлангич баҳоси - 540 897,7 сўм. 5. "ГАЗ-24" русумли, д/р 30T6168 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.04.2009 й., № 5933. Бошлангич баҳоси - 954 850,7 сўм. 6. "УАЗ-469" русумли, д/р ва и/ч йили йўқ автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.02.2009 й., № 2604. Бошлангич баҳоси - 571 007 сўм. 7. "РАФ-2203" русумли, д/р 11T1286 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.12.2008 й., № 9365. Бошлангич баҳоси - 1 186 731,45 сўм. 8. "УАЗ-452В" русумли, д/р 11Y1417 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.04.2009 й., № 5934. Бошлангич баҳоси - 1 665 271,85 сўм. 9. "УАЗ-451М" русумли, д/р 11Z0473 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.04.2009 й., № 5932/7. Бошлангич баҳоси - 2 212 612 сўм. 10. "ГАЗ-2401" русумли, д/р 11W5598 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.07.2009 й., № 8338. Бошлангич баҳоси - 809 597,6 сўм. 11. "КАМАЗ-53212" русумли, д/р 11Y1724 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.07.2009 й., № 88728. Бошлангич баҳоси - 20 430 225 сўм. 12. "ГАЗ-51" русумли, д/р 11O7955 бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.08.2009 й., № 9671. Бошлангич баҳоси - 1 609 668 сўм. 13. "КАМАЗ-5320" русумли, д/р X20EAM бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.07.2009 й., № 8337/7. Бошлангич баҳоси - 17 521 515 сўм. 14. "ВАЗ-21063" русумли, д/р ва и/ч йили йўқ автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 20.05.2009 й., № 7058. Бошлангич баҳоси - 2 061 795 сўм. 15. "УАЗ-452" русумли, д/р 11B6259 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.05.2009 й., № 5932. Бошлангич баҳоси - 1 235 054,15 сўм. 16. "КАМАЗ-4310" русумли, д/р 11O3604 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт

"LUCKYBEK INTERNATIONAL" МЧЖ ўзининг устав жам-фармасини 280 250 000 (икки юз саксон миллион икки юз эллик минг) сўмдан 247 009 835, яъни 33 240 165 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

"ИРОДА" ишлаб чиқариш кооперативи (ИНН 200892760) ҳуқуқий шаклини "ИРОДА" хусусий корхонасига айлантирилганлигини маълум қилади. Дори воситалари ва табиий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси наркотиклар назорати қўмитаси томонидан 2007 йил 30 мартда "NAVRUZ INTERNATIONAL COOP" сўмга корхонаси номига берилган № 003293-сонли прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш, ташши, сақлаш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лицензияси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный план квартиры расположенный по адресу: г. Ташкент Шахтанхурский район, ул. Джангоҳ Ц-15, дом 2-ВГ, кв. 14, выданный БТИ Шахтанхурского района на имя Маматкуловой Мукаррамы, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план квартиры расположенный по адресу: г. Ташкент Чиланзарский район, ул. Мукимий, дом 106, квартира 59, выданный БТИ Чиланзарского района на имя Ташходжаев Мирфайёз Джалаловича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план квартиры расположенный по адресу: г. Ташкент Чиланзар 4-квартал, дом 3, квартира 13, выданный БТИ Чиланзарского района на имя Тошходжаев Гульчехры Хайруллаевны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план квартиры расположенный по адресу: г. Ташкент Чиланзар 9-квартал, дом 46, квартира 35, выданный БТИ Чиланзарского района на имя Смирнова Дмитрий Александровича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранную круглую печать выданную частному предпринимателю Турсунходжаева Алишера Романовича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный угловой штамп выданный частному предпринимателю Турсунходжаева Ждангире Рамазановича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Собир Рахимов тумани, Қора-Қамиш мавзеси, 50-уй, 2-хонадонда жойлашган савдо маъшият мажмуасига тегишли Шарипова Нигора Абдурахмановна номига берилган № 10080301020177 ва 8-309/2006 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари ва шу объектнинг гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Халқлар Дўстлиги орденли Самарқанд кооператив институти томонидан 1993 йилда Юлдашев Фуркат Набиевич номига берилган РВ № 894056 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Asia Insurance" сугурта компанияси томонидан Ибраҳимов Нematилла Чариевич номига берилган АI № 0154080 серияли сугурта полиси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Охунбобов номи республика табиийот коллежи томонидан 2006 йилда Джапарова Дилфуза Абдурахмановна номига берилган К № 564359 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный аттестат АО № 195573, выданный школой № 148 Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента в 1995 году на имя Карабаевой Нигоры Юнусалиев

САҲНА БЕЗАКЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали давом этмоқда. Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ўтказилаётган "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали кизикарли маданий-маърифий тадбирларга бой бўлмоқда.

МАЪНАВИЯТ

Халқимиз рўзгоридан орттирганини тўй-ҳашамларга сарфлашни хуш кўради. Агар шу ортиқча неъматлар эҳсон қилинса, бу инсоний фазилат, албатта. Лекин бу эҳсонлар жойига тушганина, савоб оламиз, исрофга йўл қўймасак, аксинча, гуноҳкор бўлиб қолишимиз тайин.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳам "Тадбирли бўлиш - ярим ризқ", деб марҳамат қилдилар.

Ақли расо, гидрокли кишиларга маълум ва маъруфдирки, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик ва меъёр ҳаммиса маъқуллана келинган. Ҳаддан ошиш, исроф, яманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан, ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Барчамизга маълумки, мол-дунё Аллоҳ таоло томонидан бандаларга берилган неъматлардан бири, ҳаётимизнинг зебу зинанатларидандир. Инсонлар ҳаётининг давом этишида ва уларнинг турли манфаатлари йўлида мол-дунё асосий омил эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Ҳар бир оқил киши бу ҳақиқатни яхши билади ва шунинг учун ҳам мол-дунёларини беҳудам нарсаларга сарфлаб, уни исроф қилмайди.

ли ҳам исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Баъзи хонадонлар, маҳалла, кўча ёки бозорларда фойдаланиш учун ўрнатилган сув жўмрақларининг аксарияти кишин-ёзин очик

да исроф қилиш билан баробар. Зеро, исроф - мол-дунёни ўз ўрнига сарф этмасликдир.

Аллоҳ таолонинг берган неъматларига шукр қилиб, тежамкорлик билан яшаган кимсаларнинг ризқи зиёда, турмуши осойишта бўлиши, ношукрлик қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйган кимсалар афсус-надоматда, турли азоб-уқубатларга мубтало бўлиши муқаррар.

Шуни таъкидлаш лозимки, бебаҳо неъмат ҳисобланган умр, вақт, саломатлик қабиларни бесамар, беҳуда ўтказиш ҳам катта исроф ҳисобланади. Фойдасиз ишлар билан машғул бўлиш, куч-куват ва салоҳиятни юрт манфаати йўлида ишлатмаслик, соғлик ва вақт қадрига етмаслик қабилар энг улкан исроф турларидандир. Ҳар биримиз меъёрдан ташқари харажат қилишдан, исрофгарчиликка йўл қўйишдан сақланишимиз лозим.

Ўртимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги бардавом бўлсин!

Қурбонбой ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.

ҲАДДАН ОШИШ - ИСРОФГАРЧИЛИК

Исрофгарчилик жамият ва умматга зарар бўлади, ван ёмон ахлоқий сифатлардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло булардан бизни оғохлантириб дейди: "Еб-ичинглар, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни яхши кўрмайди".

Исрофгарчилик ҳақида кўп гапирилишига қарамай, ҳамон қолайди кишиларга дуч келиб тураемиз. Масалан, ичимлик сувларидан фойдаланишда ҳа-

ҳолда қолиб кетиши мусулмончиликка мутлақо тўғри келмайди.

Бизнинг халқимиз меҳмондўст, саховатли, Урф-одатимизга кўра, тўй-маросимларда ортиқча тақаллуф ва исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Ош-нонлар кўп тайёрланиб, ортиб қолгани ҳайвонларга берилади ёки ташлаб юборилади. Бу эса динимиз таълимотига мутлақо зид, Яратганининг берган неъматига ношукрлик демекдир.

Мол-дунёни ноўрин ёки ноқолиб кимсаларга сарф этиш ҳам уни беҳу-

КИСМАТЛАР

Тўрт оёқли моҳир энага

Шу йил 9 сентябрда Олли лақабли ит ўн ёшга тўлди. У дипломли болалар вакили, моҳир энага. Тўрт ёшли Сашани сўзсиз тушунади, нигоҳидан нима истаётганини англайди.

Онаси Татьяна банд пайтда Олли Сашага энагалик қилади. Инсон ва ит биргалишиб, оиладаги охири йўқдек туялган ғамнок, рутубатли ҳаётга ёруғлик олиб кирдилар. Ниҳоят, бу хонадонда кундалик турмуш тарзи ўзгарди, ғам-андуҳ ўрнини хушқачқалик эгаллади.

Оиланинг тўнғич фарзанди Саша - тугма ноғирон. Ҳамма нарсани тушунади, аммо, ҳаракатланолмайди, гапиролмайди. Тиббий мутахассислар бунни қандайдир генетик касалликка йўлиб, бечора боладан қўл силташди. Таниш руҳшунослардан бири "Ит сотиб олинг, ёрдами тегади", деди.

Эр-хотин кўп кучуқларни бориб кўришди. Бир сафар аёли кишининг "Ўғлимнинг кўзи жуда хира, яхшиямки, итимиз бор, боламга қараб туради" деганини эшитиб қолиб, кўнглида умид уйғонди. Улар голден-ретривер зотли кучуқчани танлашди.

Бу зотли итларда ўзига хос хислатлар бўлади. Масалан, улар ҳеч қачон, ҳеч қимми тишаламайди. Ички инстинктлар билан мулоқотда бўлишмайди, ўз дунёларида яшашади. Бола эса, умрида биринчи марта Олли билан гаплашади.

Саша билан Олли бир неча йил бир-бирларидан ажралмай яшашди. То Сашанинг умри туғатунча. Тугма бедаво дард бариб уни ҳаётдан юлиб кетди.

Унинг юраги уришдан тўхтаганини Олли сезди. Ёнига бориб ўтирди. Гўё фахрий қоровул вазифини бажарётгандек, жуда узоқ ўтирди...

Орадан етти йил ўтди. Олла Сашани ҳамон ўнотолгани йўқ. Хайриятки, Алёша дунёга келиб, ота-онага қайта қувонч бахш этди. Врачлар эса "Яна мажруҳ бола туғилди, сизга шу керакми?" деб Татьянанинг кўнглини оғритишганини айтди. Йўқ, Алёша соппа-соғ туғилди, соғлом ўсаяпти.

Хонадонига қайта бахт оралаган Татьяна энди ноғиронлар дунёсидан бутунлай фориғ бўлиб, хурсандчиликда ҳаёт кечирishi мумкин эди.

Йўқ, ундай қилолмадим, - дейди у. - Чунки, энди менинг қўлимда бошқа ноғирон болаларга ҳам ёрдам беришим мумкин бўлган воситам, менинг Оллийим бор.

Татьяна шундай қилди. Ноғирон болаларни ханис-террапия, яъни итлар ёрдамида соғломлаштириш касбини танлади. Мана энди у

кучлироқ ҳис эта бошладим". Ажойиб, таъбир жоиз бўлса, ноёб фикр. Ноғирон ўғли тўғри кўп бағридош врачларнинг безбетларча муносабатларидан кўп безганман. Уларга ҳеч нарса деёлмасдим-да, кейин бир четга биқиниб олиб, тўғриб-тўғриб йиғлардим. Оллага раҳмат, оз бўлсада, оилавий бахтдан баҳраманд этди.

бир ёшдан 18 ёшгача бўлган ноғирон болаларга имкон даражасида ёрдам бераёпти. Ит учун ҳамма болалар бир. Болалар ҳам бунни тушуниб, хотиржам бўлишади ва уларда ўзгариш пайдо бўла бошлайди. Болалар итлар билан том маънода ҳамкорлик қилишади. Гаплашади, "иш" буюришади, ўзлари ҳам улар билан баравар



Эна Татьяна, Саша ва Олли

ҳаракатланишади. Масалан, Дима бир неча йил илгари ўзгалар ёрдами-сиз юрмоқдасиз. Ҳозир итлар билан бирга югуриб юрибди. Света 14 ёшида келганди. Ота-онасиз кўчага чиқишга қўрқарди. Шунақа руҳий хасталик бор. Ҳозир у 19 ёшда. Мустиқил шахар кезади, сузиш ҳавзасига боради. Коллежга ўқишга ҳам кирди.

Боласи ноғирон ёлғиз оналар кўп. Баъзан нон пулига ҳам қийналишади. Татьянанинг гуруҳида эса, пулга ҳожат йўқ. Машғуллар бепул. Татьяна ҳафтада уч кун утга голден ит билан машинада машғулота йўл олади. Энди Оллининг ёнига "қизи" ва "невера" си ҳам қўшилади. Улар биргаликда энагалик, дўхтирлик қилишяпти. Саҳийлар бор бўлсин, бир неча жойда бепул хоналар ажратиб беришган.

Олли бир ёшга тўлгандан сўнг Татьяна у билан бир йил "Итлар - ноғиронларнинг ёрдамчиси" марказига эринмай қатнашди. Инструктор - кинологлар Оллига "қасб сирқари"ни обдон ўргатишди. Татьянанинг гуруҳидаги ҳамма итлар марказдаги таълим курсини битирган.

Тангри айрим болаларни нега ноғирон қилиб яратганини биласизми? - деб сўрайди Татьяна ва саволига ўзи жавоб беради. - Бизнинг маънавий покланишимиз учун. Биз ўзгалар дардида ҳамдард бўлишни, севишни, ёрдам беришни унутиб қўймаслигимиз учун. Бировлар бунни тушунашди. Бошқалар ҳам бугун бўлма-са, эртага англаб етишадилар. Мен бунга жуда-жуда умид қиламан.

Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди.

ФУТБОЛ

«Осиё чемпионати - 2010» ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ - ЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатида кетма-кет иккинчи ғалабасини нишонлади



қиқасида ҳисобни очди: моҳир ҳужумчиси Павел Смоляченко ўттиз метр узоқликдан кучли зарба йўллаб, Баҳраин дарвозасини ишғол қилди - 1:0. Уйининг иккинчи ярмида араблар ҳисобни тенглаштириш учун ҳужумга зўр берди. Марат Кабаев шоғирлари эса мустаҳкам ҳимояланиб, тевзор қарши ҳужум уюштиришга эътибор қаратди. Кизикарли ўтган беллашувда ҳисоб ўзгармади.

Олти очко жамғарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мuddатдан олдин чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Корея Халқ Демократик Республикаси жамоаси ироқлик футболчиларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилди.

Ҳамюртларимиз учинчи турда гуруҳ аутсайдери - Ироқ ёшлар терма жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Бу ғалабадан сўнг вакилларимиз биринчи ўрин билан кейинги босқичга чиқди.

ЎзА.

ОЛИЙ ЛИГАНИНГ БИРИНЧИ НОМЗОДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати биринчи лигасида пешқадамлик қилаётган "Бухоро" жамоаси мuddатидан олдин олий лига йўлланмасини қўлга киритди.

Чемпионат иккинчи босқичининг ўн биринчи турда буюроқликлар ўз майдонида мусобақа аутсайдери - пойтахтнинг "НВУ-Осиё" жамоасини қабул қилиб, С. Неъматов ва А. Рустамов томонидан киритилган голлар эвазига 2:0 ҳисобида зафар кучди. Бу ғалабадан сўнг "Бухоро" жами 65 очко тўллаб, пешқадамлик мавқеини янада мустаҳкамлади.

Пешқадамдан 12 очко ортда қолаётган "Сўғдиёна" футболчилари иккинчи йўлланмани қўлга киритишга ақин турибди. Жиззахликлар бу гал ўз майдонида Тошкентнинг "Оқтепа" жамоаси билан рақобатлашиб, кичик ҳисобда ғалаба қозонди. Мезбонларга жиддий қаршилик кўрсатган пойтахтликлар иккинчи бўлимда ўз жарима майдончасида ўйин қондасини бузди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтининг аниқ бажарган Б. Пардаев "Сўғдиёна"га уч очко келтирди.

Ун биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Хива" (Хива) - "Спартак" (Тошкент) 0:0, "Гулистон" (Гулистон) - "Имкон-Олтиариқ" (Олтиариқ) 2:2, "Зарафшон-НЦЗ" (Навоий) - "Дўрмон-Спорт" (Кибрай) 3:0, "Динамо-Фаллакор" (Галлаорол) - "Локомотив-БФК" (Тошкент) 0:1, "Шўрчи-Лочин" (Шўрчи) - "Чуст-Пахтакор" (Чуст) 4:1, "Машъал-Академия" (Муборак) - "Косонсой" (Косонсой) 3:0.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.



Мехмон кутиш осон эмас экан-а, дугонажон! Азамат АХМЕДОВ сурат-лавҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўвватлаш қўмитаси ва Тошкент вилояти Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Тошкент вилояти "Дори-Дармон" ОАЖ тизимидаги туман ва шаҳар дорихоналар номига 1994 йилда берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи № 2433, 619, 2517, 2324, 2543, 622, 2463, 2513, 2392, 2598, 2458, 2574, 2565, 2669, 2520, 2434-сонли давлат ордерлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк Давлат қадастрини тартибга солиш бош бошқармаси Бинолар ва иншоотлар қадастри бошқармаси томонидан хусусий тадбиркор Хасанов Шавкат Холтаевич номига берилган Учтепа тумани (А. Икромов), Обводная кўчаси, 5-уй манзилда жойлашган ошхонага тегишли 0019495-реестр рақами) № 608 рақамли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери ҳамда 2003 йил 20 мартда Учтепа тумани (А. Икромов) ўрикзор даҳаси, ТХАЙ, 5-уйда жойлашган ошхонага тегишли 7610681164 рақамли ер қадастр ҳужжати ҳамда 1-26/2003 сонли ҳисоб варақаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БУНИ ҚАРАНГ-А


ЕВРОПАДА ҲАММАДАН СОҒЛОМ

Ўзлари тўғрисида шундай фикрга келган Италия олимлари фармакологик излашни олиб бординлар. Италия Европа мамлакатлари ўртасида спиртли ичимлик ичиш оқибатида ўлганлар жихатидан (100 миңдан 37 та) энг охириги ўрнда экан. Бу ерда 33,6 фоиз эркак ва 27,8 фоиз аёл тамоки чекади. Бу борада Европа мамлакатларига нисбатан энг паст кўрсаткич. Шунинг учун сўнгиги 20 йил ичида Италияда ўпка саратонидан ўлиш сезиларли даражада қамайди.

Бундан ташқари, италияликлар тўғри оқватланишга ва спорт билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратишлари билан ҳам машҳурлар.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори.

РАССОМ ХАНДАСИ



Севгилим, сен учун барча нарсага тайёрман!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ўзлон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Абулфайз САИДАСҚАРОВ Навбатчи Ирода НОРБОВЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХҲҲАЕВ